

Қурбон ҳайитида юртдошларимиз кетма-кет тўрт кун дам олади



12:08 / 04.07.2022 2818

Президент фармониға мувофиқ, 2022 йилда қўшимча дам олиш кунлари белгиланган (<https://t.me/huquqiyaxborot/10897>). Шунга кўра, Қурбон ҳайити байрами давомида мўмин-мусулмон халқимиз иш ҳафтасининг туридан қатъи назар 4 кун дам олади.

Жумладан:

- 9 июль (шанба) – Қурбон ҳайити байрами;
- 10 июль (якшанба) – дам олиш куни;
- 11 июль (душанба) – барча ходимлар учун қўшимча дам олиш куни;
- 12 июль (сешанба) – 6 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар учун қўшимча дам олиш куни, 5 кунлик иш ҳафтасида ишлайдиганлар учун 16 июль (шанба) дан кўчирилган дам олиш куни.